



Ўзлашган Ва Хорижий Сўзларнинг Мулоқот Жараёнида Айрим Услубий Хусусиятларга Доир

Нафиса Бахтияровна Муратова

Чирчиқ давлат педагогика университети Ижтимоий фанлар факултети Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Murotovanafisa2@gmail.com

Аннотация: мулоқот том маънодаги ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттирган ҳолда, ушбу жараёнда шахсларнинг ўзаро рухий, идрокли ва эмоционал таъсири ҳамкорлиги юзага келади, турлича қарашлар, фикрлар, руҳиятдаги умумийлик шаклланиб, унда урф-одат, турлича расм-русумлар, ҳар хил хатти-ҳаракатлар ўзлаштирилади. Мулоқот жараёнига тилнинг фақатгина ички имкониятлари асосида юзага келган сўзлар эмас, балки ўзлашма сўзлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Қуйида оммавий ахборот воситаларида, бадиий асарлар персонаж нутқларида нафақат байналминал характердаги сўзлар, ҳатто ўзбек тилига ўзлашмаган сўзларни қўлланиши ва бу жараёни мулоқотдаги таъсири ҳақида сўз юритамиз.

Калит сўзлар: Нутқий акт, лисоний мулоқот, локутив, иллокутив ва перлокутив ҳаракатлар, дискурс, адресант, адресат, ўзлашма сўзлар, персонаж нутқи.

KIRISH (ВЕДЕНИЕ/ INTRODUCTION)

Глобаллашув жараёнида мамлакатлараро, миллатлараро муносабатларнинг ривожланиши натижасида мулоқотнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги барчага аёндыр. Инсонлараро алоқа воситасида ахборот алмашуви юзага келади. Инсонлар мулоқоти тури уларнинг тафаккури, турмуш даражаси, маънавий эҳтиёжлари, қандай гуруҳга оидлиги каби ҳодисалар билан боғлиқдыр.

Ўз навбатида мулоқот том маънодаги ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттирган ҳолда, ушбу жараёнда шахсларнинг ўзаро рухий, идрокли ва эмоционал таъсири ҳамкорлиги юзага келади, турлича қарашлар, фикрлар, руҳиятдаги умумийлик шаклланиб, унда урф-одат, турлича расм-русумлар, ҳар хил хатти-ҳаракатлар ўзлаштирилади. Табиийки мулоқот ва фаолият ўта мураккабдыр.

ADABIYOTLAR Tahlili va Metodologiya (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ /LITERATURE REVIEW)

Нутқий мулоқот жараёнида ахборот алмашинувининг махсулдор бўлишида ягона нутқ ижодкорининг етакчилигининг ўзигина етарли бўлмайди. Бунда тингловчининг ахборотга қизиқишини хоҳлаганини инобатга олиш зарур. Ўз-ўзидан равшанки, ҳар қандай куруқ ахборот ўз ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Унинг муҳимлиги субъектнинг шу маълумотга бўлган эҳтиёжига нисбатан белгиланади. Ахборот берувчи шахс мулоқот шаклини тингловчининг субъектив мақсадини эътиборга олиб танлаши лозим. Мулоқот режаси



мантиқан тузилаётган иккинчи иштирокчининг субъектив мақсадини ойдинлаштириши лозим. Масалан,

-Раҳмат, маладес, маладес! – деб Саркорнинг елкасига қоқди ва: - Хўш?

Буёғи план қанақа? – деб сўради. Саркор жавоб бериб улгурмаям, гапни Иван илиб кетди: - Ҳамма нарса ест қилинган! Хоҳласангиз дам оласиз, хоҳласангиз тўғри овга чиқамиз. (О.Ёқубов. “Осий банда”. Жаҳон ад. 2006. №9. 10-б.).

Тил асосан ўз ички имкониятлари асосида тараққий этиши билан бир қаторда ўзаро иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалар туфайли четдан сўз олиш ва ўзлаштириш ҳисобига ҳам бойиб боради. Бундан ўзбек тили ҳам мустасно эмас... Юз йилдан ортиқ давр мобайнида рус тили орқали кириб келган сўз ва терминларнинг асосий қисми сингиб кетган... расмий мулоқот доирасида уларнинг миқдори орта борди¹. Натижада оммавий ахборот воситаларида, бадиий асарлар персонаж нутқларида нафақат байналминал характердаги сўзлар, ҳатто ўзбек тилига ўзлашмаган сўзларни учратиш одатий ҳолга айланди.

- Даюс Иван, илгариги Иван эмас, жуда ўзгариб қолибди. (О.Ёқубов. “Осий банда”. Жаҳон ад. 2006. №9. 47-б.).

-Ёнимга ўтир. Нимайди, “Слова продавать” қиламиз дерсивинт? – Хохолаб кулди. (О.Ёқубов. “Осий банда”. Жаҳон ад. 2006. №9. 15-б.).

Умуман олганда, ўзлашган лексемалар доимо тилнинг ички имконияти эвазига сўз ясашдан кўра афзал бўлиб келган.

Масалан, - Итан нима бўлди? – деди кўзимга тикилиб. – Бир бош айтинг.

-Айтиб бердимку, ҳаммасини.

-Гражданин Баҳром Холмиров... – у қўлидаги қоғозга қараб олди.

- Тўйс... Холмуродов! Бояги айтганларингиз оғзаки гап. Буниси – документ! Айтингчи, пастрадавий Холмиров...тўйс Холмуродов, қайси стадия?

Капалагим учиб кетди.

-Қанақа статья?

- Статья эмас, стадия! – деди старшина жеркиброк. – Исклерозингиз нечанчи стадия?

-Қанақа склероз?


– Исклероз бўлмасангиз телпакни нега йўқотасиз? (Ў.Ҳошимов. “Сўққабош бевагина”. Тошкент, “Шарқ”, 2008, 12-13-б.).

МУНОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ/DISCUSSION)

Тиллараро сўз ўзлаштиришнинг асосий сабабларидан бири жамият тараққиётини тез суръатлар билан ўсиб бориши тил амалиётида ҳам ҳар он ҳозиржавобликнинг тақазо қилишидир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мустақилликгача бўлган даврда ўзбек тилига рус тилида ёки Ғарбий Европа тилларидан рус тили орқали сўзлар ўзлашган бўлса, бугунги кунга келиб, миллатлараро ва мамлакатлараро муносабатларнинг кучайиши туфайли

¹ Х.Бектемиров, Э.Бегматов. Мустақиллик даври атамалари. Тошкент, “Фан”, 2002. 19-21-б.



Ўзбек тили нутқининг барча жабҳаларида хорижий тилларга оид сўзларнинг мулоқот жараёнида қўлланилиши маълум даражада ортиб бораётир.

Масалан, - Гуд мониторинг мистер! – деди...

-Хэлло! Окагинанг айлансин, хэлло!... “Джус” дейдимией, “биир” дейдимией! Айниқса “чикен-чикен” деган сўзни ўн мартагача қайтардиёв! Сал аччиғим чикди...

-Кофе? Ти? –деди қилдек қошини учуриб. Сенкью, веримач! Гуд бай!

-Мумкинми? Гуд мониторинг! Салон!

Рзастангиз билан ўзимни предеставит этсам....

-Худога шукур, бошимда эрларим толскт, эрим бор, тоест бор эди. Бу уйни ўз пулимга сотиб олганман. Йигирма минг “бакс”га!

Тоем нима дейди денг, фраер.

(Ў.Ҳошимов. Сўққабош бевагина. Тошкент, “Шарқ”, 2008).

Адабий тил меъёрларига ва умумий тил тизимига амал қилувчи муҳим қонуниятлардан бири мўтадиллик ва турғунликдир. Адабий тил ҳар доим ўз меъёрларининг турғун, мўтадил бўлишига интилади. Бунга сабаб адабий тил умумхалқ, умуммиллий мулоқот қуроли бўлиши керак. Умуммажбурий меъёр ва лисоний малакага айланган сўзларни эҳтиётсиз равишда қўллаш ўзаро мулоқотга ҳалақит беради, чалкашликлар туғдиради².

-Ёздизми, кенной? – деди дўхтир бир зум тўхтаб. – Таа-ак, каридор биздан. Кушетка биздан...Матрас биздан. Таа-ак, ёзинг кенной. Ёстик авра. Чойшаб, падодияльник, сочиқ. Иложи бўлса иккита. Бинт, йод, пахта. Стрелней бўлсин...Чойнак, пиёла, коса, вилка, қошиқ, кўк чой икки пачка.... иложи бўлса “кўки”дан йўталининг! ... Уни нима бўлганини билмайман. Бир маҳал кўзимни очсам, тепамизда келиним йиғлаб ўтирибди. (Ў.Ҳошимов. Сўққабош бевагина. Тошкент, “Шарқ”, 2008, 34-б.).

Табиийки, ҳар қандай фикр мулоқот жараёнида ифодаланар экан, сўзловчи фақат муайян ахборотни бу фикрни тингловчига қай даражада таъсир этишини ҳам назарда тутди. Шунинг учун ҳам нутқининг таъсирчанлигини таъминловчи воситаларга сўзловчи эътибор қаратади. Бу ўз навбатида сўзловчининг савиясига боғлиқдир.

- У ёкдачи, вей, видик, телевизор, камера деганлари копейка³. “Сони” дейсанми, “Пана сони” дейсанми, “Плипс” дейсанми. Иккита “видик” олсанг биттаси текин⁴.


XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ/CONCLUSION)

Маълумки, тил экспрессивликни ифодалашнинг хилма-хил имкониятларига эга. Тилшуносликда ҳатто “экспрессивлик тил тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир” деб ҳисоблайдилар. Ўзбек тилининг нуфузи ошиб, унинг ижтимоий вазифаси ва амалий доираси кенгайиб бораётган ҳозирги даврда мана шу “экспрессивлик” хорижий ва вулгар сўзлар ҳисобига эмас, балки ўзбек тилининг ички имкониятлари томонидан амалга

² Ҳ.Бектемиров, Э.Бегматов. Мустақиллик даври атамалари. Тошкент, “Фан”, 2002. 26-б.

³ Г.Н. Ахимова. Новое в синтаксисе русского языка. Москва. Вышая школа. 1990. 80.

⁴ Ў.Ҳошимов. Сўққабош бевагина. Тошкент, “Шарқ”, 2008.



оширилиши ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан биридир деб ҳимоблаймиз.

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига қўшилиши натижасида маданият, иқтисодий, сиёсий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Глобаллашув жараёнида интеграция жараёнларини назарда тутган ҳолда байналминал сўзларнинг нутқимиздаги ўрнига аҳамият берилиб, вақтли матбуот, бадиий адабиёт материалларини кузатган ҳолда, ўзбек мулоқот нутқини илмий асосда тадқиқ этиш давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES):

1. Аликулов З., Боймирзаева С. Социоллингвистика. Самарқанд: 2010. 94- б.
2. Бегматов Э., Турсунпўлатов М. Ўзбек нутқи асослари. -Тошкент, 1992. 88- б.
3. Бекмирзаев Н., Нотиклик санъати асослари.-Тошкент,2007. 90- б.
4. Жуманиёзов Р., Нутқий маҳорат. -Тошкент, 2005. 40-б.6. Бектемиров Х., Э.Бегматов. мустақиллик даври атамалари. тошкент, “фан”, 2002. 26-б.
5. Ахимова Г.Н., Новое в синтаксисе русского языка. Москва. Высшая школа. 1990. 80.
6. Ҳошимов. Ў., Сўққабаш бевагина. Тошкент, “Шарқ”, 2008.
7. Сафаров Ш., Прагматингвистика. – «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент, 2008 йил.
8. Нурмонов А., Структур тилшунослик илдизлари ва йўналишлари. -Тошкент: Таълим, 2009.
9. Ёқубов О. «Осий банда» романдан боблар. Жаҳон адабиёти журнали, 2006 йил, 9-сон.
10. Seitniyazov, K. M. (2023). Some traditional names in Toponymics. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 11(4), 842-845.